Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 23 январь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 6 (7100)

Da'vat

Йигитликда йиғ илмнинг махзани Қарилик чоғи харж қилғил ани.

Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Боғдод туманида ўқув йилининг биринчи ярмида ҳар томонлама ўрнак кўрсатган 481 нафар ўқитувчи ва уч мингдан зиёд аълочи ўқувчилар туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚОЗОҒИСТОН САФАРИ

Ён қўшни – дўст халқнинг яхши кунида қувончига шерик бўлиш энг улуғ шарқона фазилатлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 19-20 январь кунлари Қозоғистонга буюрган ташрифини, таъбир жоиз бўлса, ана шу олижаноб фазилатнинг яна бир ёрқин намойиши дейиш мумкин.

20 январь куни Остона шаҳрида Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Нурсултон Назарбоевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти сифатида фаолият бошлашига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Қозоғистоннинг янги пойтахтидаги «Конгресс хол» саройига узоқ-яқин мамлакатлардан ташриф буюрган давлат ва ҳукумат бошлиқлари, дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З. Балиева Нурсултон Назарбоевга Қозоғистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди. Янги сайланган Президент мамлакатда Конституция ва қонунлар бажарилишининг кафолати бўлиш, Қозоғистон давлати ва халқи манфаатлари йўлида хизмат қилиш ҳақида қасамёд этди.

Сўнг Нурсултон Назарбоев ўзига юксак ишонч билдирган Қозоғистон халқига, сайловни ўтказишда кўмаклашган халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий кузатувчиларга миннатдорлик изҳор этди. Маросимга ташриф буюрган меҳмонларни қутлади.

Маросим Қозоғистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг катта концерти билан якунланди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашиб, уни юксак лавозимга қайта сайлангани билан самимий табриклади. Қозоғистон халқи олдида турган муаммоларни ҳал этиш, бахтли келажак йўлидаги масъулиятли ишида муваффақиятлар тилади. Н. Назарбоев Ўзбекистон раҳбарига самимий қутлов учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов «Интерконтинентал» меҳмонхонасидаги ўз қароргоҳида Қирғизистон Президенти Асқар Акаевни қабул қилди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақадаги интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида Қозоғистон Президенти тантанали маросимга ташриф буюрган меҳмонлар шарафига қабул маросими уюштирди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади.

Президент Ислом Каримовнинг Остона шаҳрига сафари чоғида унга Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Н. Ёқубов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбарини Бош вазир Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Аҳмад ХЎЖА. (ЎзА).

Тошкент шаҳридаги 179-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Фарида Мирюсупова 27 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзига хос иш услубини яратган. Бу илғор иш услуби ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари ҳамда 10 йилдан буён шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бошланғич синф ўқитувчиларига дарс ўтиш услуби бўйича маърузалар ўқишда асқотаяпти.

Суратда: Ф. Мирюсупова дарс жараёнида. Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ўқитувчи ёш дафтарига

ҲАРАКАТ ҲАЁТ ДЕМАКДИР

Маълумки, болаларнинг жисмоний ривожланиш палласида ҳаракат муҳим ўрин тутади. Мутахассисларнинг ҳисобича, ҳаракатланишга бўлган эҳтиёжни қондиришлари учун 3-4 яшар болалар бир кунда 9-10500 қадам, 5-6 яшарлар 11-13500, 7 яшар болалар 14-15000, 8-10 ёшлилар 15-20000 ва 11-14 ёшлилар 20-25000 қадам босишлари зарур бўлар экан.

АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ

Япон олимлари сўнгги 20 йил мобайнида одамларда қанд касаллиги автомобиллар сонининг ортиши билан тенг баробар кўпайганлигини аниқлашди. Автомобилдан мунтазам фойдаланиш қанд касаллигига мойиллик уйғотиши билан бирга, унинг кечишини оғирлаштирувчи семизликни ҳам келтириб чиқарар экан.

ТИЛШУНОСЛИК ТАРИХИДА ЯНГИЛИК

Компьютер техникаси билан шуғулланувчи «Майкрософт» компанияси ва «Сент мартин пресс», «Блумсбери», «Пен маклиман» компаниялари ҳамкорликда инглиз тилининг янги луғат китобини чоп этмоқчи. Энг донгдор олимлар томонидан уч йилдан зиёд вақт давомида тайёрланган мазкур китобда тилшунослик тарихида биринчи бор инглиз тилининг барча луғат бойлиги жамланган.

ТАБИАТ МЕҲРГА МУҲТОЖ

Олимлар томонидан ўтказилган сўнгги текшириш ишлари Ер курраси ҳозиргача ўзидаги бутун табиий бойликларининг учдан бир қисмини йўқотганидан далолат беради. Шунингдек, ичимлик суви ҳам камаймоқда. Кейинги вақтда сув қушлари ва балиқларнинг ўзиёқ қарийб икки мартага камайган.

КИНОЧИЛАР БОЛАЛАРГА ЮЗ БУРДИ

4- бет

КЎЗГУДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

2-бет

JUMLADA JAHON

• «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 январдаги Фармойишига мувофиқ, 20 январдан 20 февралга қадар мамлакатимизда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.

• Ўзбекистон Республикасининг Қоҳирадаги элчихонаси Қоҳира университети иқтисод ва сиёсатшунослик факультетининг Осиё тадқиқотлари марказига Ўзбекистон тўғрисидаги китоблар мажмуасини тақдим этди.

• Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин кучли ошқозон яраси ташҳиси билан Марказий клиник касалхонага ётқизилди.

• Косоводаги албан сепаратчилари мамлакатнинг шимолида қўлга олинган югослав армиясининг саккиз нафар ҳарбийларини озод этишга розилик беришди.

• Курд ишчилар партиясининг етакчиси Абдуллоҳ Ожалан номаълум йўналиш бўйлаб Италиядан жўнаб кетган.

• Бразилияда миллий валюта – реалнинг қадри тушиб кетганлиги муносабати билан мамлакат Президенти Кардоза халқни хотиржамликка даъват этди.

Qutlug' ostona

ОЧИЛАЖАК ҒУНЧАЛАР

Италияликлар азалдан санъатдўст халқ. Санъатнинг турфа турларида дунёга довруғ таратганлар кўп ўтган бу ерда. Страдивари, Поваротти, Феллини... Томирида ана шундайларнинг қони гупуриб турган бугунги италияликлар ҳам мусиқа соҳасида жуда нозикдид ва нуктадон. Ундай-бундай куй-қўшиқ билан уларни лол қолдириш мушкул.

Юнусобод туманидаги 13-мусиқа-мактаб интернати юқори синф ўқувчилари Феруза Муҳаммедова ва Нодира Қориевалар ана шундай нозиктаъблар меҳрини қозонишди.

Улар Италиянинг Агрополь шаҳрида бўлиб ўтган XXI-Халқаро пианиночилар кўрик-танловида ўз ёшлари гуруҳида иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлишди. Феруза ушбу танловда 4-ўринни эгаллаб, лауреат бўлса, Нодира махсус диплом билан тақдирланди.

Бу умидли созандаларнинг устози Ирэн Ваҳобованинг эътирофича, улардаги иштиёқ, кунт ва сабот ғунчаларнинг келажакда мусиқа бўстонига кўрк бағишлашларига умид туғдиради.

Биз ҳам бу тилакларга эшмиз.

Дилноза ҚАЮМОВА

Milliy dastur — amalda

МАҚОМГА ЮКЛАНГАН МАҚСАД

Янги асрга ҳам бир «довон» қолди. Биз унга қандай қадам қўйишимиз керак? Чунончи, давлат ва ҳалқнинг нигоҳи қадалиб турган, эзгу орзу умидлари тикилган таълим тизимида буни қандай намоён этиш лозим?

Шунчаки, «қизил» гаплар деб ўйлашдан нари чекинайлик-да, ўтиб бораётган асрнинг сўнгги йилларига назар ташлайлик. Ўзгаришлар анча. Улар қонуний ва расмий асосга эга. Шулардан бири Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қароридир (1998 йил 24 февраль). Бизнингча, таълим соҳасидаги кишилар қарор матни ва мақсадидан яхши хабардор бўлишса керак.

• Қарорда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини университетга айлантириш тўғрисидаги банд ҳам бор эди. Мана орадан салкам бир йил вақт ўтди. Нималар кўзга ташланди?

• Мақомни ўзгартиришдан кўзланган мақсад...

• Ўтган давр мобайнида қандай ўзгаришлар рўй берди?

• Миллий дастур ва университет...

• Бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни қандай кечмоқда?

• Университет ректоратининг Аёллар йилини ўтказишга доир белгилаган тадбирлари...

Шу ва шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида мухбиримиз университет ректори, техника фанлари доктори Баҳром Қодиров билан учрашди. Қуйида ана шу суҳбат мазмуни билан танишасиз.

— Саволларингиз жуда ўринли қўйилган. Бир йил мобайнида рўй берган ўзгаришлар таҳлили қандайдир даражада хулосалар ясашимизга имкон беради. Биласизки, институтимиз юқори нуфузга эга. Кўпчилик уни қисқартириб «Низомий» номи билан атайди. Қанчадан-қанча алломалар етишиб чиқмади бу даргоҳдан? Ҳозирда унинг илмий салоҳияти қандай? Таъкидлаш керакки, потенциалимиз жуда катта. Ўзбекистон Республикаси ФА аъзоси ва мухбир аъзоси уч нафар, 34 нафар фан доктори ва профессор (шундан 16 нафари педагогика фанлари доктори), 228 нафар фан номзоди ва доцентлар бизнинг улкан таянчимиздир.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» кучга киргунга қадар, бизнинг даргоҳ фақат умумтаълим мактаблари, болалар боғчалари учун ўқитувчи, тарбия чилар тайёрлар ва Халқ таълими вазирлиги тасарруфида эди. Бир-бирини мантиқий тўлдирувчи ҳужжатлар юртимизнинг буюк келажагини яратувчи кадрлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бинобарин, институтга университет мақомининг берилишини давр ва шароит тақозо этди. Аввал умумтаълим муассасаларига кадрлар тайёрлаб бераётган масканга академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун мутахассислар тайёрлаб бериш вазифаси юкланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ихтиёрига ўтганимиздан сўнг бизнинг вазифаларимиз ниҳоятда кўпайди.

* * *

Вақт гўёки шошқин бир дарё, шитоб билан оқади. Кўз очиб юмгунча бир йил ҳам ўтиб қолаёзди. Тўғрисини айтганда, бу қисқа муддатдек туюлса ҳам, университет ҳаётида жиддий ўзгаришларга бой кечди. Аввало, ўқув сектори – факультет ва кафедралар фаолиятини тубдан қайта қуришга киришдик. Қарорга мувофиқ, структура деярли янгиланди. Яъни, факультетларнинг номлари ўзгартирилди. Инженер педагогик факультети касб таълими, табиий география табиийёт фанлари, мактабгача тарбия, дефектология бошланғич таълим факультети педагогика ва дефектология, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлган физика ва математика факультетлари, физика-математика, рус ва корейс филологияси чет тиллар, бадиий графика чизмачилик ва амалий санъат, мусиқа педагогикаси, мусиқа ўзбек ва қозоқ филологияси ўзбек тили ва адабиёти факультетлари деб атала бошланди. Чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия, тарих факультетлари ўзгаришсиз қолди. Бундан «Хўжа али, Али Хўжа» деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Номларини ўзгартириш замирида умумлаштириш, мутахассисликларни бир-бирига яқинлаштириш ёки ажратиш ётади.

Университетимизда айни пайтда 46 та кафедра мавжуд. Шулардан олтитаси бутунлай янги йўналишдаги кафедралардир. Мана, улар: ўз ичига олади. Шуни таъкидлаш керакки, «совет» даврида тарихни ўрганишда нотўғри ва реал бўлмаган талқинлар вужудга келган эди ва бу талқинлар омманики бўлиб қабул қилинаверарди. Мустақиллик йилларида эса бу тамоман бошқача маъно касб этди. Шу жиҳатдан олганда, биз янги кафедралар ташкил этиб, халқимиз ва ватанимиз тарихини чинакам дид ва холислик билан ўрганиш вазифасини қўйдик. Аслини олганда, кафедраларнинг кўпайиши иш ҳам кўпайди дегани. Лекин бундан биз чўчимаслигимиз керак.

(Давоми 3-бетда)

Faxr

ТАЛАБА – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Хиёбон узра хушхабар кезди – Иброҳим жаҳон чемпиони бўлибди!

Ҳа, Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси қошидаги шаҳмат-шашка мактаби собиқ ўқувчиси, Самарқанд Давлат университетининг жисмоний тарбия факультети 1-босқич талабаси халқаро тоифадаги спорт устаси Иброҳим Ҳамроқулов 18 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Испанияда ўтказилган Жаҳон биринчилигидан Ватанимизга ғолиб бўлиб қайтди. У 115 мамлакат шаҳматчилари орасида 11 имкониятдан 8,5 очко жамғариб, Жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Юртдошимиз муваффақияти шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Шу лаҳзаларда унинг кўзларидан севинч ёшлари тирқиради. Жаҳон чемпиони кўз ўнгида Самарқанднинг сўлим боғлари, қадимий обидалари, тор кўчаларию бағри кенг инсонлари бирма-бир гавдаланди.

Иброҳим асли шаҳматчилар оиласидан. Шаҳматга қизиқиш унинг қонида бор. У илк даъфа шаҳмат сирларини устози – отаси, вилоят терма жамоаси мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Шахоб Ҳамроқуловдан ўрганганди. Опаси – спорт устаси Ирода ҳам хотинқизлар ўртасида бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, синглиси – Шаҳноза спорт усталигига номзод, мамлакатимиз терма жамоасининг аъзоси, укаси – Жўрабек спорт усталигига номзоддир. Кўҳна Самарқанднинг Юсуф Харрот маҳалласида яшовчи шаҳматчи Ҳамроқуловлар бормаган юрт дунёда кам топилади.

Иброҳим беш карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақаларнинг фаол иштирокчисидир. У ўтган йил Эронда ўтказилган 20 ёшгача бўлган шаҳматчиларнинг Осиё биринчилиги мусобақасида қатнашиб, халқаро спорт устаси талабини бажарган эди.

Иброҳим Ҳамроқулов Жаҳон биринчилигидан ғолиб бўлиб қайтаркан, уни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, вилоят шаҳмат федерацияси раиси Анвар Бекмуродов қизғин муборакбод қилиб, эсдалик совғалари тақдим этди.

Яқинда вилоят ҳокимлигида 1998 йил спортда энг яхши натижалар кўрсатган бир гуруҳ самарқандлик спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Э. Рўзиев спортчиларга қимматбаҳо совринлар топширди. Тақдирланганлар орасида Иброҳим Ҳамроқулов ҳам бор эди.

Биз ҳам кўп сонли халқ таълими ходимлари номидан Иброҳимга 1999 йил янада омадли йил бўлишини тилаймиз.

Унга қарата: «Юртимиз довруғини олам узра янада кенгроқ ёявер!» дегимиз келади.

М. АҲМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Tajriba-sinov maydonchalarida

ДАСТУР ИЖРОСИ МАЪҚУЛМИ?

Таълим тизимида биринчи бор дастур синовдан ўтказилиб, сўнг амалиётга тадбиқ қилиниши амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида ўқувчининг ёши, савияси, дунёқараши ва қизиқишига мос дарсликлар яратиш ҳамда матнлар танлаш имконини бермоқда.

Алқисса, шу кунларда Республика Халқ таълими вазирлигининг тажриба-синов учун масъул бўлган ташкилотлари ҳамкорлигида барча фанлардан тажриба-синов майдончаларида олиб борилаётган бугунги ишлар ва биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган республика семинар кенгашлари бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, адабиёт фани ҳамда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фани дастурлари синовининг бориши хусусида ҳам йиғилиш бўлиб ўтди. Аввало шуни айтиш керакки, бўлиб ўтаётган семинар-кенгашларда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан мутахассислар иштирок этмоқда. Юнусобод туманидаги 274-мактабда ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги 120-мактабларда ўтказилган йиғилишлар ҳам мутахассисларараро қизғин мунозарага айланди.

Хўп. Келинг, яхшиси, энди натижавий гапларга ўтайлик. Эътибор беринг, оддий битта фаннинг дастурини ишлаб чиқиб, унинг синови қандай кечаётганлиги бўйича ҳар хил йиғилишлар, семинар-кенгашлар ўтказиш шартми? Бунинг маъсулияти шунча оғирми? Ушбу хил саволларга семинар-кенгашларида сўзга чиққан мутахассислар ўз жавобларини айтиб ўтишди.

Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев:

— Ўқувчиларимиз адабиёт дарсида фақат эшитса, ўзлаштириш 20 %, қўлида қалам билан китоб ўқиб, фикр билдира олса 80 %, суҳбат, монолог, мунозара, баҳс бўлса, янада юқорироқ ўзлаштиради. Шунингдек, улар ифодали ўқиш, хаёлан ўқиш, эркин фикрлай олиш малакасини эгаллаши лозим.

Профессор Қ.Йўлдошев: — Ўқитувчи ҳаммани бир хил жавоб беришга ундовчи саволлардан қочмоғи, дарсда мазмуннинг эмас, матннинг таҳлилига эътибор бермоғи лозим. Майли, матн ўқувчи олдида очиқ турсин, ўқувчи фикрини исботлаш учун матндан жавоблар айтсин.

(Давоми 3-бетда)

МММ ХАБАРЛАРИ

O‘QITUVCHILAR O‘QIMOQDA

Ta‘lim sohasida yaratilgan huquqiy me‘yorlar asosida katta o‘zgarishlar yuz bermoqda. O‘qituvchilar mahoratini oshirish va hozirgi davrga mos ta‘lim berish uchun ularni o‘qitish sohasida Sirdaryo viloyati Oqoltin tumanida ham qisqa muddatli o‘quv mashg‘ulotlari tashkil etildi. Bu mashg‘ulotlarda ko‘p balli va reyting sistemasi asosida baholash haqida ma`ruzalar va maktab o‘qituvchilari ish tajribalari bilan o‘rtoqlashish ko‘zda tutilgan. Blo`xina Nina Gavrilovna (1-maktab), Jalgashov Anarboy (7-maktab), Yoldosheva Salomat (8-maktab), Holbutayev Abdujabborlarning (12-maktab) ish tajribalari o‘rganilmoqda. O‘qituvchilar kadrlar tayyorlash milliy dasturi bo‘yicha uzluksiz ta‘lim bilan bog‘liq amaliy ishlarga tuman halq ta‘lim uslubxonasi yetakchilik qilmoqda.

Anvar JAVLONOV

MUDOFAA MAS'ULIYATI

Diyorimiz bo‘ylab o‘tkazilgan «Vatanparvar» oyligi — 1998 yil 15 dekabrdan 1999 yil 14 yanvargacha vatan himoysiga tayyorlanayotgan yoshlar uchun ajoyib sinov davri bo‘ldi. Deyarli barcha maktablarda «Shunqorlar» bellashuvlari, urush faxriylari bilan uchrashuvlar, sport musobaqalari bo‘lib o‘tdi. Beruniy tumanidagi 10-maktabda Qoraqalpog‘iston Respublikasi «Vatanparvar» jamiyati raisi, polkovnik Pardaboy Musayev ishtirokida «Mudofaa mas`uliyati» mavzusida uchrashuv bo‘lib o‘tdi.

G‘oyib YOQUBOV

GO‘ZALLAR KO‘RIGI

Toshkent viloyat pedagogika bilim yurtida bo‘lib o‘tgan ko‘rik-tanlovda ayollarga hos xislatlarni va sharqona go‘zallik me’yorlarini o‘zida mujassam etgan talaba qizlar qatnashdilar. Bilim yurti direktorining ma`naviyat va ma`rifat ishlari bo‘yicha muovini Zulfiya Ibragimovaning ta‘biricha har bir ishtirokchi o‘z bilim va odoblari bilan Uvaysiy va Nodiralar avlodi ekanliklarini namoyon qildilar.

Arslon RUSTAMOV

МММ ХАБАРЛАРИ

ИБРАТЛИ МАКТАБ

Деҳқонбой Салимовни Зафаробод туманида кўпчилик танийди. Мана ўн йилдан ошаяптики, Амир Темур номидаги 8-мактабда директор бўлиб ишлаб келмоқда. Кўп нарса раҳбарга боғлиқ экан. Илгари ўртамиёна бўлиб келган мактаб қисқа вақт ичида машъал мактаблардан бирига айланди. Биргина ўтган йилда 26 битирувчидан 11 нафари олий ва 3 нафари ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кирди. Бир нафар ўқувчи француз тили бўйича ўтказилган республика олимпиадасида ғолиб чиқди. Айни кунда бу ўқувчи жаҳон тиллари дорилфунунида аъло баҳоларга ўқимоқда.

Мактаб жамоаси туман ҳокимининг қарори билан 31 гектар ерга деҳқончилик қилмоқда. Ўтган йили бир миллион атрофида даромад олишган бўлса, бу йил ундан ҳам ошиқ фойда кутилмоқда. Биргина толанинг ўзидан даромад бир ярим миллион сўмдан ошиб кетди. Бундан ташқари ўтган йил ҳисобидан 2 тонна ўсимлик ёғи, 8 тонна кунжара, 7 тона шелуха ва 56 килограмм совун сотилмоқда.

Зафаробод пахта тозалаш заводи раҳбарларининг айби билан ўтган йилги даромад шу вақтгача берилмаган. Оталиқ ташкилот ҳисобланган Ҳ. Олимжон номли ижара ширкатлар бирлашмаси раҳбарлари мактабга амалий ёрдам кўрсатмаганлар. Туман машина трактор паркидаги ўртоқлар техника ажратмаганлар. Барча ишлар Деҳқонбойнинг югуриб елишлари туфайли бажарилган.

— Агар пахта тозалаш заводидаги ўртоқлар даромад пулимизни ўз вақтида берганларида эди, биз бу пулларга мактаб учун ўқув қуроллари сотиб олардик, — дейди Деҳқонбой Салимов. Аълочи ўқувчиларга стипендия ташкил қилардик. Кам таъминланган ўқувчиларга моддий ёрдам берардик.

Ҳа, сўзи билан иши бир Деҳқонбойнинг режалари катта. Фақат туман раҳбарлари уни тўғри тушунсалар бўлгани!

Эгамберди ЎРОҚОВ

DTM tahlili

КЎЗГУДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Фарғона республикада энг кўп аҳоли яшайдиган вилоят ҳисобланади. Ҳудудда мамлакатимизнинг 11 фоизга яқин аҳолиси – 2538 мингга яқин одам истиқомат қилади. Республика ўқув юртларига вилоятдан 21968 абитуриент ҳужжат топшириб, учинчи ўринни эгаллаган. Вилоят бўйича самарадорлик 38,22 % ни ташкил этиб, 10-ўрин эгалланган. Демак, вилоятнинг миқдор кўрсаткичи бўйича эришган натижаси юқори бўлса, сифат кўрсаткичи бўйича орқада қолган.

Имтиҳон натижалари вилоятлар ва фанлар бўйича таҳлил этилганда ҳам нотекислик яққол кўзга ташланади.

Вилоятда биология, кимё, тарих, география бўйича кўрсаткичлар юқори бўлган. Данғара, Бувайда, Учқўприқ, Бешариқ туманларида имтиҳон натижалари юқори эканлиги кўзга ташланади. Лекин вилоят бўйича абитуриентларнинг имтиҳондаги самарадорлик кўрсаткичи республика даражасидан паст бўлган.

Вилоятнинг Сўх тумани, Водил, Олтиариқ, Боғдод ва Қиргули шаҳарларидан ўқиш истагини билдирган абитуриентлар сони кам бўлган.

Инглиз тилидан нисбатан юқори кўрсаткичга эришилган.

Мазкур таҳлил Олий ўқув юртларининг кундузги бўлими бўйича қилинди. Сиртқи бўлим ва ўрта махсус ўқув юртлари бўйича ютуқ ва камчиликларни жадвалдан аниқлаш мумкин.

Вилоятнинг халқ таълимига мутасадди бўлган ташкилотлари тест натижаларига эътибор берадилар ва тегишли хулосалар чиқариб олишади, деган умиддамиз.

Фарғона вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Ўрта махсус ўқув юртлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих	
		Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Фарғона тумани	714	40,25	369	23,77	0	0,00	320	42,53	19	33,48	4	40,28
2	Данғара тумани	555	43,94	337	25,90	0	0,00	206	43,24	7	21,03	5	37,22
3	Охунбобоев тумани	602	45,66	343	26,82	0	0,00	236	47,75	16	23,09	5	54,44
4	Олтиариқ тумани	505	43,27	306	26,61	0	0,00	174	43,60	20	28,06	5	71,67
5	Қува тумани	644	42,57	331	26,24	0	0,00	263	42,84	25	29,67	25	43,00
6	Бешариқ тумани	532	44,98	248	24,25	0	0,00	248	45,68	15	21,30	18	58,18
7	Риштон тумани	656	43,91	392	24,45	0	0,00	239	41,95	17	29,74	8	62,85
8	Ўзбекистон тумани	598	45,72	325	25,38	0	0,00	221	45,46	18	24,23	31	62,28
9	Боғдод тумани	586	42,09	348	23,56	0	0,00	205	43,02	15	26,11	17	61,27
10	Ёзёвон тумани	250	42,20	174	26,31	0	0,00	69	41,26	7	27,38	0	0,00
11	Сўх тумани	51	37,15	24	22,34	0	0,00	24	41,20	2	23,61	1	19,44
12	Тошлоқ тумани	347	45,47	162	25,62	0	0,00	169	45,96	12	30,32	4	72,92
13	Бувайда тумани	388	42,36	232	24,33	0	0,00	125	44,16	12	40,28	19	56,14
14	Учқўприк тумани	435	44,92	304	27,40	0	0,00	103	40,51	16	19,97	12	66,90
15	Фурқат тумани	430	45,13	233	25,23	0	0,00	168	48,36	12	23,61	17	69,77
16	Қиргули тумани	32	28,30	27	21,50	0	0,00	0	0,00	5	18,33	0	0,00
17	Фарғона шаҳри	354	35,18	261	25,39	0	0,00	82	34,38	9	23,77	2	66,67
18	Қувасой шаҳри	90	35,22	54	22,33	0	0,00	36	38,73	0	0,00	0	0,00
19	Водил шаҳри	24	34,26	23	21,14	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
20	Қўқон шаҳри	371	38,18	231	28,58	0	0,00	94	39,27	37	21,85	7	54,37
21	Данғара шаҳри	7	37,70	5	23,33	0	0,00	2	37,50	0	0,00	0	0,00
22	Маргилон шаҳри	456	39,77	352	27,00	0	0,00	91	39,41	13	21,15	0	0,00
23	Лангар шаҳри	2	61,11	2	40,28	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
24	Ҳамза шаҳри	29	31,80	25	23,67	0	0,00	0	0,00	4	22,22	0	0,00
25	Қува шаҳри	11	46,21	10	22,50	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
26	Бешариқ шаҳри	30	45,46	20	21,11	0	0,00	7	45,24	2	20,83	0	0,00
27	Риштон шаҳри	30	45,37	28	29,17	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
28	Яйпан шаҳри	33	46,63	22	22,47	0	0,00	9	41,05	0	0,00	0	0,00
29	Боғдод шаҳри	8	40,28	8	26,39	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

Фарғона вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих		География		Инглиз тили		Немис тили		Француз тили	
		Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Фарғона тумани	702	39,50	267	38,34	119	26,89	235	46,28	163	36,47	234	50,21	12	37,50	197	38,75	50	27,50	30	32,87
2	Данғара тумани	394	45,09	159	38,64	69	32,33	84	51,16	49	46,77	189	56,70	30	46,67	113	40,93	3	23,15	58	29,12
3	Охунбобоев тумани	392	37,88	178	38,56	83	32,50	115	46,35	105	33,94	114	48,85	7	55,16	42	35,25	100	27,97	8	25,35
4	Олтиариқ тумани	431	40,98	165	37,49	66	26,39	116	48,49	98	38,12	168	55,31	12	43,98	113	43,90	85	26,80	0	0,00
5	Қува тумани	440	37,61	151	33,48	89	27,25	147	50,15	103	38,05	159	46,82	4	38,89	107	33,54	57	24,32	12	31,71
6	Бешариқ тумани	619	47,46	178	38,61	76	32,38	205	56,46	162	44,60	270	59,99	15	45,74	278	43,76	6	27,78	4	25,69
7	Риштон тумани	550	40,99	213	35,94	92	26,06	158	48,07	105	38,94	225	50,85	18	46,45	166	37,90	52	27,67	8	25,00
8	Ўзбекистон тумани	838	46,98	263	33,87	114	28,27	205	46,42	109	41,69	444	60,84	31	42,29	258	37,42	127	35,28	39	35,97
9	Боғдод тумани	428	43,02	191	38,80	103	29,56	78	52,03	69	38,45	176	53,09	18	45,52	125	42,98	60	34,91	22	29,80
10	Ёзёвон тумани	144	40,34	53	47,43	37	36,79	55	46,16	42	39,88	40	50,49	2	29,17	24	31,13	10	24,44	13	41,67
11	Сўх тумани	61	40,98	23	39,13	9	24,69	11	47,22	12	31,94	27	58,74	0	0,00	31	39,96	5	36,67	2	18,06
12	Тошлоқ тумани	308	42,14	125	40,33	58	26,63	82	55,15	79	44,83	107	54,15	1	69,44	126	36,51	1	22,22	15	31,85
13	Бувайда тумани	364	46,00	99	41,86	49	28,97	112	53,22	89	45,97	161	60,09	6	31,48	143	38,71	27	23,15	14	25,60
14	Учқўприк тумани	387	45,96	134	37,62	69	32,00	97	56,87	71	54,34	177	57,22	13	54,06	150	37,33	7	29,37	21	31,48
15	Фурқат тумани	450	41,88	176	34,14	90	28,33	132	51,18	105	42,43	177	55,12	20	41,67	107	38,73	37	29,95	26	30,66
16	Қиргули тумани	50	36,56	30	41,94	11	23,48	10	57,50	17	47,88	11	52,27	0	0,00	16	42,19	4	20,83	0	0,00
17	Фарғона шаҳри	596	37,19	299	38,29	124	23,19	117	43,95	112	32,64	184	50,85	2	47,22	237	48,31	34	25,57	12	29,40
18	Қувасой шаҳри	137	36,15	77	33,69	35	24,29	20	42,08	19	37,28	45	44,14	3	46,30	34	38,81	33	28,70	2	29,17
19	Водил шаҳри	9	40,12	6	39,35	3	20,37	2	26,39	0	0,00	0	0,00	2	40,28	2	37,50	0	0,00	0	0,00
20	Қўқон шаҳри	418	43,20	130	49,57	39	26,99	81	37,93	25	45,22	240	50,05	5	46,67	246	48,20	17	25,00	5	28,89
21	Данғара шаҳри	12	44,91	5	48,89	0	0,00	4	47,22	2	48,61	3	62,96	0	0,00	4	47,92	0	0,00	0	0,00
22	Маргилон шаҳри	224	40,61	116	35,34	39	25,71	27	67,70	33	53,87	83	49,87	0	0,00	79	49,54	49	27,10	2	23,61
23	Олтиариқ шаҳри	10	41,11	5	26,67	2	27,78	2	34,72	2	25,00	3	70,37	3	36,11	2	37,50	0	0,00	0	0,00
24	Ҳамза шаҳри	21	32,14	13	26,71	0	0,00	4	33,33	8	30,56	4	45,83	3	35,19	5	21,11	3	21,30	0	0,00
25	Қува шаҳри	38	34,28	26	30,66	15	29,26	0	0,00	0	0,00	12	47,92	0	0,00	13	26,71	8	23,61	0	0,00
26	Бешариқ шаҳри	47	47,87	16	42,19	8	30,21	9	57,10	7	54,76	23	60,14	0	0,00	27	48,97	0	0,00	0	0,00
27	Риштон шаҳри	33	37,63	20	35,97	8	22,57	0	0,00	0	0,00	13	50,85	0	0,00	22	36,99	0	0,00	0	0,00
28	Яйпан шаҳри	25	52,22	12	39,81	2	29,17	7	51,19	5	30,56	8	67,71	3	57,41	10	44,44	0	0,00	0	0,00
29	Боғдод шаҳри	10	35,56	4	44,44	2	40,28	3	37,04	3	39,81	3	49,07	0	0,00	4	45,14	0	0,00	0	0,00
30	Қиргули шаҳри	11	34,85	6	21,76	5	24,44	2	22,22	0	0	3	73,15	0	0	2	76,39	0	0	0	0

Фарғона вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад.		Математика		Физика		Биология		Кимё		Тарих		География		Инглиз тили		Немис тили		Француз тили	
		Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %	Абит. сони	Самарадорлик %
1	Фарғона тумани	262	38,16	159	29,80	61	24,73	28	44,74	31	31,99	77	46,10	7	42,46	87	27,23	35	21,59	21	22,62
2	Данғара тумани	74	49,25	34	35,70	9	21,91	5	44,44	1	58,33	50	53,22	0	0,00	36	34,65	1	19,44	11	20,45
3	Охунбобоев тумани	135	37,43	78	28,28	27	21,91	20	38,19	16	23,44	37	56,16	8	46,53	29	24,23	44	24,43	2	25,00
4	Олтиариқ тумани	113	44,22	62	30,69	19	22,66	13	35,04	10	31,67	41	53,86	5	41,67	35	26,51	34	23,86	1	19,44
5	Қува тумани	125	42,82	70	27,78	22	25,51	11	51,01	14	37,30	44	54,10	8	42,01	46	28,99	28	22,32	6	23,15
6	Бешариқ тумани	90	52,22	38	35,45	14	26,98	5	63,89	5	51,11	53	61,43	2	33,33	61	30,42	1	16,67	1	58,33
7	Риштон тумани	122	47,15	50	29,50	19	18,71	15	35,93	6	23,61	61	55,92	6	48,61	57	28,27	16	21,88	4	17,36
8	Ўзбекистон тумани	137	48,44	72	29,21	42	29,37	11	30,81	1	27,78	72	57,72	2	62,50	33	34,34	29	30,56	8	38,54
9	Боғдод тумани	90	46,14	40	38,13	10	26,94	13	44,23	10	25,56	44	55,05	2	56,94	33	33,42	22	20,71	6	21,30
10	Ёзёвон тумани	70	45,32	35	22,54	9	24,38	4	63,89	4	56,94	32	51,04	0	0,00	23	21,86	5	26,67	26	25,32
11	Сўх тумани	8	40,97	3	26,85	2	27,78	2	54,17	2	38,89	3	54,63	0	0,00	1	16,67	1	19,44	2	12,50
12	Тошлоқ тумани	109	34,76	69	27,25	28	24,90	9	35,19	8	20,49	31	48,12	1	16,67	52	27,56	12	19,68	3	17,59
13	Бувайда тумани	78	45,51	39	39,53	9	24,38	8	37,85	3	65,74	39	51,71	6	41,67	40	36,81	10	21,67	1	19,44
14	Учқўприк тумани	75	47,89	34	36,03	16	34,20	9	49,69	4	57,64	42	52,38	1	44,44	33	30,39	5	25,00	5	33,33
15	Фурқат тумани	72	45,37	39	29,56	19	27,49	4	31,25	4	28,47	36	55,79	0	0,00	29	31,42	8	21,18	5	19,44
16	Қиргули тумани	53	32,81	38	25,80	20	20,56	3	38,89	10	25,83	12	45,37	0	0,00	9	34,26	13	23,29	0	0,00
17	Фарғона шаҳри	400	35,21	295	27,81	102	25,22	15	35,00	44	23,55	89	48,47	11	39,39	166	33,18	62	22,00	7	24,60
18	Қувасой шаҳри	62	37,63	37	29,50	21	20,24	5	33,33	4	18,75	20	42,36	0	0,00	15	24,07	20	21,11	0	0,00
19	Қўқон шаҳри	178	40,51	95	33,13	36	25,93	14	32,34	2	25,00	94	45,80	0	0,00	101	32,12	12	22,69	0	0,00
20	Данғара шаҳри	2	51,39	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
21	Маргилон шаҳри	211	34,97	163	27,44	36	22,84	8	37,15	24	26,16	40	44,31	6	37,50	81	30,49	57	21,73	2	29,17
22	Ҳамза шаҳри	3	39,81	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	51,39	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
23	Қува шаҳри	26	42,74	17	33,33	7	23,02	0	0,00	0	0,00	9	48,46	0	0,00	14	33,93	3	27,78	0	0,00
24	Бешариқ шаҳри	6	47,22	4	31,25	2	16,67	0	0,00	0	0,00	3	40,74	0	0,00	3	56,48	0	0,00	0	0,00
25	Риштон шаҳри	14	39,88	10	38,33	4	29,86	3	47,22	3	21,30	0	0,00	0	0,00	6	39,35	0	0,00	0	0,00
26	Яйпан шаҳри	9	40,43	7	26,59	4	30,56	0	0	0	0,00	2	43,06	0	0,00	3	25,93	0	0,00	0	0,00

МИНТАҚАМИЗНИ ЎРГАНУВЧИ ИНСТИТУТ

Неча асрларки, Ўрта Осиё Машриқу Мағрибни ўзига жалб этиб келган. Не-не сайёҳлару тижоратчилар, илм аҳлию давлат элчилари бу ҳудудга ташриф буюриб, ўз саёҳатлари тўғрисида тарихий асарлар битиб қолдирганлар. Табиийки, Ўрта Осиёга бўлган қизиқиш ҳали ҳам сўнгани йўқ ва аксинча, тобора ортиб бормоқда.

Мана шундай қизиқишлар самараси сифатида ғарбий Европанинг энг йирик мамлакатларидан бири – Франция ҳукумати томонидан Тошкентда 1995 йилда очилган Ўрта Осиёни Ўрганиш Институтини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ўрта Осиёда бундай институт очиш истаги Франция ҳукуматида анча илгари туғилган бўлса-да, уни амалга ошириш шу ҳудуддаги мамлакатлар истиқлолга эришгачгина мумкин бўлди. Самарали ва бехатар фаолият юритиш учун институт сиёсий барқарор ва тинч ўлкада жойлашган бўлиши керак эди. Совет Иттифоқи тарқаб кетгач, бир неча йил давомида кузатишлардан сўнг, Франция ҳукумати барқарорлик ва тинчлик кафолатланган ва Ўрта Осиёнинг юраги ҳисобланган Ўзбекистонда Ўрта Осиёни Ўрганиш Институтини (ЎОЎИ) очишга қарор қилди. 1995 йили Франция ва мамлакатимиз ҳукуматлари келишуви асосида, Тошкентда Франция Ташқи Ишлар Вазирлигига қарашли ЎОЎ Институти ўз фаолиятини бошлади. Бу Ватанимизда очилган энг биринчи хорижий илмий-тадқиқот институт эди. Мана бир неча йилдирки бу муассаса Ўрта Осиё ўлкалари тарихи ва бугунги кунини ўрганиш мақсадида кенг кўламда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Француз тадқиқотчилари нафақат ўзбек ҳамкасблари билан, балки дунёнинг турли мамлакатлари тадқиқотчилари билан ҳамкорликда Ўрта Осиёга оид илмий изланишларни давом эттирмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон тарихини ўрганишда беқиёс имкониятларга эга ушбу институт ўз имкониятларидан оқилона фойдаланаяпти. Тадқиқотлар натижасида илмий кенгашлар, анжуманлар ўтказиб келиняпти. 1995 йилданоқ, «XIX аср сўнгида Туркистонда исломий ислоҳотлар», «Ҳинд ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдо ва ғоялар йўллари» мавзуларида халқаро илмий анжуманлар ўтказилди. ЎОЎИ 1996 йили Парижда ЮНЕСКО томонидан ўтказилган «Темурийлар маданияти» мавзуидаги тантанали тадбирга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Пойтахтимиздаги Француз институти илмий тадқиқотларни мунтазам равишда давом эттирар экан, кўплаб ана шундай илмий анжуманлар, тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Институт ўз фаолиятини халқаро миқёсда танитиш учун француз ва инглиз тилларида «Ўрта Осиё йилномаси», «Ўрта Осиё Ёзишмалари» каби ҳафтанома ва жаридалар нашр қилмоқда. Бу нашрлар айниқса биз учун қимматли маълумотлар билан бойитилган. Мана уларда чоп этилган баъзи мақолаларнинг номлари: Клод Ренэннинг «Эллинизм даврида Ҳинд ва Ўрта Осиё алоқалари», Мари Зюнининг «Туркистон тулпорларини излаб: Мир Иззатуллоҳнинг 1812-1813 йилларда Деҳлидан Бухорога қилган саёҳати», Алекс Жумаевнинг «Ўрта Осиё мусиқачиларининг Ҳинд мусиқий илми тараққиётига таъсири», Тиедра Зарконнинг «Византия элчилари Сўғдиёна хокимлари ҳузурида», «Ўрта Осиё сўфийлари Тибетда, XVI-XVII асрлар».

Булардан ташқари Француз институти чет эл матбуотида Ўзбекистоннинг бугунги куни: сиёсати, иқтисодиёти, маданий ва ижтимоий ҳаёти ва бошқа соҳаларга доир мақолалар бериб бормоқдаки, бу жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимизга бўлган қизиқишини қондиришда, Ўзбекистонни жаҳонга танитишда муҳим ўрин тутмоқда.

Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ,
ЎзДЖТУ 5-курс толиби

Шайҳонтоҳур туманидаги «Ҳадя» жамоа корхонаси бир неча йиллардан буён тумандаги 39-мактаб ўқувчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келишади. Комбинатда ибратли бир иш, яъни касб ўрганаётган ёшларга кўмак бериш яхши йўлга қўйилган. Масалан қандолатчи Мактуба Акбарова тумандаги 8-бизнес мактабининг қандолатчилик бўлими I-босқич талабаларидан бештасини шогирдликка олган.

Суратда: М.Акбарова шогирдлари билан иш устида.
Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Aks sado

ЁШЛАРИ ФИДОЙИ ЮРТ

Фидойилик. Ўта жарангдор сўз, залворли туйғу. Бу каломни айтиш, эшитишнинг ўзи масъулиятли. Фидойилик билан йўғрилиб амалга оширилаётган иш ҳам улкан, улуғвор бўлмоғи лозим. Лекин барча мураккабликлар оддийликдан бошлангани каби фидойилик ҳам оддий кўринишларда намоён бўлиши табиий.

Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз ана шу оддийлик ҳақида. Қаҳрамонларимиз ҳам ёшлар, ёш фидойилар. Пойтахтимизнинг А. Икромов туманидаги 295-таянч мактабда ўтган йили ноябрь ойида ташкил этилган «Эркин тафаккур юритувчи фидойи ёшлар клуби» аъзолари. Улар ҳозирча 25 нафар, асосан 5-синф ва 7-синф ўқувчилари. Клубга биология фани ўқитувчиси Лазокат Саидова раҳбарлик қилади.

Ўз фаолиятини заминимизнинг долзарб муаммоси-экологияга йўналтирилган клуб аъзолари олдиларига катта вазифани қўйишган.

Мақсадлари она табиатни асраб-авайлаш, унинг моҳиятини англаб етиш, қолаверса тенгдошларга, ҳаттоки катталарга англатиб етказиш. Клубда ҳафтада 4 марта экологияга доир машғулотлар ўтказилади. Туман «Биоэкосан» жамияти билан ҳамкорликда илмий семинарлар ташкил қилинаяпти. Шаҳар ободонлигига ҳисса қўшишга доир бир қанча амалий ишлар қилиш режалаштирилган.

Шу ўринда кимларнингдир назарида «улар бирон-бир экологик муаммони ҳал қилишга қодирмикин» деган савол ёки «нима ҳам қила оларди» деган шубҳа туғилиши мумкин.

Тўғри, қаҳрамонларимиз бирон бир ишни қойиллатишга улгурмагандир, балки бунга имкониятлари ҳам етишмас. Лекин унутмаслик керакки, уларда интилиш бор, бефарқ эмаслар, муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излашяпти, фидокорлар.

Асосийси шу эмасми?

Жамият оғриқларига тийран нигоҳ билан қараётган фидойилар фикрларини ўзингиз ҳам бир эшитиб кўринг.

Нилуфар Гадоева: Атроф муҳитнинг ифлосланиб бораётганидан қаттиқ ташвишдаман. Шаҳримизнинг, туманимизнинг, маҳалламизнинг озодалигига ҳозирги эътибор етарли эмасдек.

Катталарга кўмаклашиш, тенгдошларга ўрнак бўлиш, ёшларга тушунтириш бизларнинг вазифамиз деб ўйлайман.

Рашида Маметова: Мен кичкина бўлсада бир ишни адо эта олсаму одамлар мушкулини осон қилишга фойдам тегса, хурсанд бўлардим.

Даврон Дадамирзаев: Президентимиз биз ёшларга катта ишонч билдираяпти. Бу ишонч бизлар учун фидойиликка энг юксак чорловдир...

Уларга ишонишимиз керак. Улар шуни хоҳлашаяпти. Бугун кўрсатилган ишонч, ҳайрихоҳлик, рағбат эртага ўз натижасини бермай қолмайди.

Рустам БОЙМАТОВ

МАҚОМГА ЮКЛАНГАН МАҚСАД

(Боши 1-бетда)

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти билан алоқа ўрнатишимиз университет учун беҳад катта шараф. Ўтган йилнинг кузида бу ташкилотнинг «Экология ва таълим-муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжумани бизда бўлиб ўтган эди. 8 та ривожланган давлатлардан келган вакиллар бу даргоҳда жуда катта салоҳият мавжуд эканлигига тан беришди. Анжуман қатнашчилари ЮНЕСКОнинг иккита кафедрасини шу ерда очишга қарор қилдилар. «Халқаро экология», «Фуқаролар таълими» кафедралари янги 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб фаолият кўрсата бошлайди. Яқинда бу ташкилотнинг кафедралар ишини ташкил этишга доир дастур ва қўланмаларини олдик. Улар 11 та давлатнинг табиат муҳофазасига доир ранг-баранг материалларидир.

* * *

Жуда кўп мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Япония, Германияда бизнинг миллий дастуримиз жуда катта аҳамиятга эга ҳужжат сифатида эътироф этилмоқда. Бу дастур узоқни ва олийжаноб мақсадларни кўзлайди. Сўзимнинг бошида, университет мақоминиг берилиш заруратига тўхталган эдим. Бу ўз навбатида таълим тизимини такомиллаштиришни ҳам тақозо этади.

Вазирлик қошидаги олий таълим муаммолари институти билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Улар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига кадрлар тайёрлаб беришда бизнинг маслаҳатимизга таянадилар. Базавий олий ўқув юрти сифатида Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси, Наманган муҳандислик педагогика институтларига мурожаат қилиб туришади. Маълумки, 270 дан ортиқ олий таълим классификатори бор. Академик лицей касб-ҳунар коллежлари учун қандай кадрлар тайёрлаш юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар олий таълим муаммолари" институти илмий жамоатчилигига ҳавола этилди. Шулардан 24 таси бакалавриат, 34 таси магистратура йўналишларидир. Хўш, мақсад бу атамаларни таълим тизимимизга шундоққина «олиб кириб» қўйишдан иборатми?

Йўқ, мақсадлар жуда реал. Фақат номининг ўзи эмас, балки мазмун ва моҳият ҳам янгиланмоқда. Яъни, бакалавриат, магистратура бўйича давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиши лозим эди. Гарчанд бакалаврликка қабулни 1995 йилдан бошлаган бўлсак-да, талабга унчалик жавоб бермасди. Эндиликда бу соҳа бўйича стандартлар мукаммал ишлаб чиқилиб, уларнинг нусхалари ривожланган давлатларга юборилди. Муддао – улар билан бамаслаҳат иш тутиш, стандартларни янада такомиллаштириш. Улар қанчалик муккаммал, пишиқ-пухта ишлаб чиқилса, тайёрланажак кадрларнинг сифат даражаси шунчалик юқори белгиланади. Бакалаврлик йўналишида жами 830 та фан ўқитилиши керак. Демак, ўқув режалари ҳам бутунлай янгидан ишкиришмоқчимиз. 34 та йўналишга доир стандарт ва ўқув режаларига буюртмалар берилган.

Миллий дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда, 1999-2004 йилларда ўқув юртимиз қошида 3 та академик лицей ташкил этилиши керак. Биз бунга ҳозирлик кўрмоқдамиз. Бу лицейларнинг ҳар бирида 600 нафар талаба таҳсил олиши лозим. Кенг, шинам аудиториялар, замонавий технологиялар муҳайё этиб беришса, чакки бўлмасди.

Миллий дастур биз учунми ёки биз дастур учунми, деган савол баъзан кишининг миясини банд этади. Мен катта бир даргоҳнинг раҳбари сифатида бу саволга шундай жавоб бераман: Миллий дастур халқимизнинг порлоқ келажаги учун.

* * *

Бошланғич таълим мутахассисларини тайёрлаш жараёни ҳам назаримиздан четда қолгани йўқ. Ҳозирги вақтда педагогика ва дефектология факультетининг кундузги, сиртқи бўлимларида 1192 нафар талаба билим олмоқда. Шундан 300 га яқини бошланғич таълим методикасига жалб қилинган. Бу йўналишда 13 нафар ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Айнан унинг ўзига тегишли бўлган фанлар 21 та. Таълим тўлиқ рейтинг тизимида. Тингловчи талабалар билишадики, семинар ва машғулотларга тўлиқ, фаол қатнашсалар, семестрда қийналишмайди.

Умумтаълим мактабларида амалий дарслар уюштириш ўқув режаси таркибидаги муҳим бандлардан. Улар III-курсда тўрт ҳафта, IV-курсда етти ҳафта, 5 курсда анча узоқ муддатли амалиёт дарсларини олиб боришади. Бунда талаба дарсни қандай ўтади? Зерикарлими ёки завқлими? У ўқувчилар олдида талмовсираб ёки эсанкираб қолмайдими? Назарияни амалиёт билан боғлаш ниятидаги талабани мактаб маъмурияти ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватласа, ютуқ-камчиликларини ҳаққоний кўрсатса, бу билингки, бутун жамият учун фойдали ва мазмунли ишдир.

* * *

Одамзот Аёлга ҳамиша сиғинади, ҳамду сано ёғдиради. Зеро, Аёл зоти бунга лойиқ ва муносиб.

Маънавий ва маърифий ишларнинг муҳим таркибий қисми сифатида белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Хотин-қизларимиз сони жамоамизнинг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Улар хотин-қизлар кенгашига бирикканлар. Кенгаш таркиби 11 кишидан иборат. У ўз фаолиятини раҳбарият билан бамаслаҳат, бақамти олиб боради. Йил давомида белгиланган тадбирлар 15 та. Илк тадбир шу ойнинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган хотин-қизлар конференциясидир. Белгиланган тадбирларда оила, Аёл мавқеини мустаҳкамлаш муаммолари кўтарилган. Ижро этувчилар ректорат, хотин-қизлар кенгаши, деканлар ва бошқа жамоат ташкилотларидир. Март, апрель, май, июнь ойларида ўтказилиши режалаштирилаётган «Аёл борки, олам мунаввар» кўрик-танлови менимча, ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак.

Ҳозир йилнинг боши. Тўғриси, қилинмаган ишлар ҳақида гапириш ноқулайроқ. Бу ҳақда яхшиси, кейинроқ...

* * *

Ректор билан суҳбатимиз 2 соатча давом этди. У киши савол беришимни кутиб ҳам ўтирмади. Шуниси маъқул-да. Яна шуниси диққатга сазоворки, бу суҳбатни муфассал таҳлил деб айтиш мумкин. Баҳром Қодиров нимагадир муаммоларга тўхталмади. Лекин муаммолар барчамизга аён. Мавруди келиб, улар ҳам аста-секин ўз ечимини топиб бораверади. Муҳими, мақсад ёдда тутилмоғи керак.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ТОПШИРИЛДИ

Халқимиз 14 январь — Ўзбекистон Қуролли кучлари кунини муносиб равишда кутиб олди. Бундай унутилмас тантана Сиёб туманидаги 21-ўрта мактабда ҳам бўлиб ўтди.

Мактаб раҳбари С.Меликова афғон уруши қатнашчиларини, мактабимиз фидойиларини ва ўқувчиларни табриклади. Кеча куйқўшиқларга уланиб кетди. Байрамга ташриф буюрган таниқли хонанда Мардон Мавлонов ўқувчилар мурожаат этган саволларга жавоб берди.

Энг муҳими, кеча сўнгида 11-синф ўқувчиларига фуқаролик паспортининг топширилиши бўлди.

Зеро, мактабимизнинг 44 нафар ўқувчиси ана шундай ҳужжатни олишга муваффақ бўлишди. Фуқаролик паспортини туман ички ишлар бўлими ходими Асад Юсупов, афғон уруши қатнашчиси Абдуҳаким Жабборов ва мактаб раҳбари С.Меликовалар тантанали равишда топширишди.

Махсуда СОБИРОВА, директор ўринбосари

Istiqlol odimlari

МУАЛЛИМЛАР ХОРИЖДА ТАЪЛИМ БЕРИШАДИ

Ҳозир республикамиздаги 9625 та умумтаълим мактабларининг салкам 70 фоизида инглиз тили фани ўтиляпти. Шу жумладан, 1300 дан ортиқ илм масканларида мазкур фан чуқурлаштирилиб ўқитилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дарс ўтиш ва дарслик яратиш бўйича Тинчлик корпуси кўнгиллилари ҳамда Таълим ва Тил ўрганиш бўйича АКСЕЛС Америка ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорлик қилиняпти.

Таъкидлаш жоизки, АКСЕЛС ташкилотининг бевосита кўмаги билан 300 нафардан ортиқ ўғил-қиз АҚШ таълим тизими ва янги технологиялардан бохабар бўлиб қайтдилар. Бу ташкилотнинг ўқитувчиларимиз маҳорати, дарс жараёнида турли усулларни қўллаш қобилияти билан қизиқишлари, муаллимларимизни янги дастур ва тажрибаларга таклиф этиши ва хорижга тажриба алмашишга юборишлари, айниқса, қувонарлидир.

Куни кеча Республика Таълим Марказида ўтказилган «Инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда алоҳида ютуқлари учун» дастурида Ўзбекистон ўрта мактаблари умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шукур Пўлатовлар ҳам ҳамкорлик натижалари, ўқитувчиларнинг касб-маҳорати, тажриба алмашишнинг аҳамияти, янги технологиялар ва илғор иш усуллари моҳияти ҳақида гапирдилар. Шундан кейин дастур ғолибларига сертификатлар билан бирга жиҳоз ва ўқув материаллари, шунингдек, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жозеф Преселнинг махсус совғалари топширилди.

Маросим сўнггида ғолиб ўқитувчилар билан бир пиёла чой устида суҳбат уюштирилди.

— Биз ўтган йили 20 июндан 13 августгача мазкур дастурнинг илк қалдирғочлари — миллий танлов ғолиблари сифатида республикамиздан 10 нафар муаллим малакамизни ошириб қайтдик, — деди наманганлик ўқитувчи Муборакхон Исмоилова. — Албатта, биз фақат ўрганибгина қолмай, балки тингловчиларга иш усулларимизни, шунингдек, Ўзбекистон давлати, Президенти, Ватан рамзлари, мамлакатимиз тарихи ва келажаги, юртдошларимиз турмуш тарзи, дунёга донғи кетган алломалари ҳақида сўзлаб бериб, уларни ҳайратлантирдик...

Муҳими, бу тадбир келажакда анъанага айланади. 1999 йилнинг ёзида ҳам бир гуруҳ ўқитувчиларимиз малака ошириш семинарида қатнашиш ҳамда инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишга ўз ҳиссаларини қўшиш учун АҚШга жўнаб кетишади. Хуллас, Ўзбекистон муаллимлари яна хорижда таълим берадилар.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

ДАСТУР ИЖРОСИ МАЪҚУЛМИ?

(Боши 1-бетда)

Профессор У.Норматов:

– Давлат тест маркази томонидан чиқарилаётган тест саволларининг кўпчилиги матнга эмас, балки кўпроқ дарсликларга таянади. Қуруқ фактларга асосланган, ёдланадиган саволлар кўп. Шунинг учун мактаб дарсликларига ниҳоятда эътибор бермоқлик керак.

Демак, ушбу фикрлардан кўринадики, бугун ишлаб чиқилиб синовлардан ўтаётган фан дастурларининг нечоғлиги, эртанги авлод маънавиятининг нечоғлигини белгилайди. Бу — ғоят оғир маъсулият.

Хўш, семинар кенгаш иштирокчилари 274-мактабда адабиёт фани ва 120-мактабда таълим бошқа тилларда олиб борилаётган мактабларда ўзбек тили фани дастурлари синовининг бориши хусусида қандай хулосаларга келишди?

Айтишларига қараганда, ҳозирча ҳар иккала фаннинг янги дастури ҳам ўзини оқлаяпти. Албатта, айрим жузий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин бу нуқсонлар дарс ўтиш жараёнида тузатилиб борилмоқда. Ва бу дастурлардаги яна бир ютуқ айтиб ўтилдики, дарснинг мақсади тингловчига осон етиб бориш учун «қулай» имкониятлар бор. Буни ўқувчиларнинг ушбу фанларни илгарига қараганда осонроқ ўзлаштиришаётганидан билса бўлади.

Дарҳақиқат, умумий хулосани нима деб чиқариш мумкин?

Бу ёнғоқни вақт чақади!

Алишер НАЗАР

Tadbir

ЛИЦЕЙДА МУҲИМ КЕНГАШ

Яқинда Навоий Давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси «Билим ва тафаккур — тараққиёт гарови» мавзуида семинар-кенгаш ташкил этди. Туман, шаҳар ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари, мактаб директорлари, макроиқтисодиёт, халқ таълими бўлимлари бошлиқлари қатнашган ушбу семинар-кенгашни вилоят ҳокими Ғайбулла Дилов очиб, ўз сўзида мамлакатимизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ қилиш борасида муайян тармоқлар ва уларнинг раҳбарлари зиммасига алоҳида маъсулият юкланганини таъкидлади.

Семинар-кенгаш иштирокчилари вилоят ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғи Т. Қаҳоровнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни вилоятда амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида», НДПИ ректори, профессор Р. Раҳмоновнинг «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ОЎЮ ўрни ва вазифалари», вилоят ХТБ бошлиғи Қ. Эргашевнинг «Академик лийей ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этишда вилоят ХТБнинг асосий вазифалари», Навоий шаҳридаги академик лицей директори Х. Эралиевнинг «Академик лицейни ташкил этишдаги асосий вазифалар ва муаммолар тўғрисида»ги маърузаларини тингладилар.

Сўнг қизиқарли саволжавоблар билан мунозаралар бошланиб кетди. ЎМКҲТ ривожлантириш институти доценти Б. Муранов, ЎМКҲТ Маркази етакчи мутахассиси Т. Миржалолов, вилоят ҳокими ўринбосари А. Ҳайдаровларнинг чиқишлари тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Айниқса, Қизилтепа, Навоий, Конимех, Томди, Учқудуқ, Хатирчи туманларида 1999-2005 йиллар давомида ташкил этиладиган янги турдаги ўқув муассасалари маҳаллий аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда очилиши лозимлиги ўзаро баҳсга айланганлиги фикримиз далилидир. Янги таълим тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган, ўрта поғона таълими равнақи ҳақидаги фикру мулоҳазалар билан семинар-кенгаш якунланди.

Ўткир ПЎЛАТ, Навоий вилояти

Tashabbus

МАКТАБЛАР ГУЛЛАРГА БУРКАНАДИ

Андижон вилоят ХТБ нинг яқинда бўлиб ўтган коллегия йиғилишида одатдагидан бошқачароқ масала кўриб чиқилди. Унда мустақиллигимизнинг 8-йиллик тантаналарини муносиб кутиб олиш учун ажойиб совға тайёрлаш тадоригини бошлаб юборишга қарор қилинди.

Бу совға «Андижонни гуллар вилоятига айлантирамиз» деб номланувчи кўрик-танловнинг ўтказилиши бўлади. Танловнинг ажойиблиги шундаки, унда кундан-кунга чирой очиб бораётган Андижонни янада файзли диёрга айлантириш, айниқса ҳар бир таълим масканини, ҳар бир синф хонасини гулларга буркаш кўзда тутилаяпти. Хайрли ишга муносиб улушини қўшган, ҳамда сермазмун байрам дастурини тайёрлаган жамоалар ХТБ томонидан муносиб тақдирланади. Бунинг учун бошқарма 1-ўрин эгасига 100000 сўм, 2-ўрин (2 та) учун 75000 сўм ва 3-ўрин (2та) учун эса 50000 сўм мукофот белгилади.

Ташаббускор, ҳозиржавоб андижонликлар Президентимизнинг «Хайрли ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар куни қилиш керак» деган ўгитларига ҳам одатдагидек қатъий амал қилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мактабни маърифат нурхоналари дейишади. Энди Андижонда у маърифат гулхоналарига ҳам, айланадиган бўлди.

Аваз ХАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз

Maktab kutubxonasiga

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатида жамиятни бошқариш ва ривожлантириш жараёнида оиланинг ўрни ва мавқеига жуда катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз Президенти томонидан 1998 йилни — Оила, 1999 йилни— Аёллар йили деб эълон қилиниши ва шуларга мувофиқ умумдавлат, умумхалқ миқёсида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, ҳаётга тадбиқ этилиши, жамиятимизда оиланинг қадр-қиммати, мавқеининг тобора ошиб, мустаҳкамланиб бориши ана шу юксак эътибор ва ғамхўрликнинг маҳсулидир.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, профессорлар-адабиётшунос Охунжон Сафаров ва файласуф Мэлс Маҳмудовнинг ҳамкорликда ёзган «Оила маънавияти» (Тошкент, «Маънавият» нашриёти, 1998) монографик тадқиқоти давр руҳи, эҳтиёжларига мослиги, ўз вақтида яратилганлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Монографиянинг асосий қисмини оила турмушига оид урф-одатлар, маросимлар, байрамлар ҳақидаги фасллар ташкил этганки, булар тадқиқотнинг илмий қимматини, янгилигини юзага келтирган.

Шўровий ҳукмронлик йилларида ғайриинсоний тузум ақидалари, чекланган (маҳдуд) дунёқараши, таълимотлари таъсирида жамиятдаги кишиларнинг бир-биридан узоқлашиши, бир-бирларининг дард, ғам-ташвишларига бефарқлик кайфиятлари пайдо бўла бошлаган эди.

Ўзбекистон раҳбарияти, Президенти миллий истиқлол даврининг дастлабки йиллариданоқ мана шу салбий ижтимоий, психологик жараёнга чек қўйиш, халқимизнинг азалий муқаддас миллий одатларини қайта тиклаш, одамларраро, ўзаро меҳр-оқибат, садоқат туйғуларини жонлантириш мақсадида маҳаллага унинг обрў-эътибори ва жамиятдаги ўрнига алоҳида эътибор беришга киришади, бу борада муҳим қарорлар қабул қилиниб, улар изчиллик билан жамият турмушига тадбиқ этилди ва бу иш ҳозир ҳам доимий равишда амалга оширилмоқда.

Муаллифлар даврнинг, жамиятнинг мана шу масаласига чуқур масъулият ҳисси билан ёндашганлар. Китобдаги «Маҳалла оиладан бошланади, Ватан маҳалладан», «Ён қўшним—жон қўшним» фасллларида маҳалланинг миллий турмуш кўзгуси эканлиги, инсоннинг обрўси энг аввало шу худудда маълум бўлиши, маҳалладошлик кайфияти энг аввало, қўни-қўшнини эъзозлашдан бошланиши ҳақида эътиборга лойиқ қараш, фикрлар баён этилган.

Айниқса, китобда ўзбек халқининг ибтидоий (бошланғич) даврларидаёқ пайдо бўлиб, яшаб келган оила ҳаётига оид таъқиқ (табу)ларнинг тўпланиши, изоҳланиши ва уларнинг эзгуликка хизмат қилиб келганининг ўқтирилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар қизиқиш уйғотади. Бу таъқиқлар халқ руҳиятини, эътиқод манбалари ва удумларини тушунишда катта аҳамиятга молик. Масалан, китобда келтирилганидай «Ўтмишда қиз боланинг, аёлнинг бош яланг юриши ман этилган. Бу хосиятсиз саналган. Чунки аёл бошидаги рўмол – оила сардорлиги рамзи саналиб, у боғланмаса, оила сардори ўлади, дея ирим қилинган» (III-бет)

Китобда ўнлаб таъқиқлар йиғилган, системалаштирилган ва мазмунга қараб тасниф этилган. Улар тарих, этнография, фольклор соҳалари учунгина аҳамиятли бўлиб қолмай, бугунги давр оила, жамияти учун ҳам хизмат қилиши мумкин.

Монографиянинг «Абадият интиҳоси» деб номланган фаслида дафн маросимлари, расм-русумлари, таъқиқ ва иримлари, уларнинг генизиси, тарихи моҳияти ва омиллари ифода топган. Унда ёзилгандай «Инсон умри боқий эмас... Ўлим барҳақ. Ҳеч ким ўлимдан қочиб қутулолмайди» (124-бет)

«Оила маънавияти» китобини ўқиш ва таҳлил қилиш шундан далолат берадики, бу илмий маърифий асар фақат мавзу, муаммоларнинг долзарблиги, бугунги замон талаблари, руҳига мос келишидан ташқари, материалининг бой ва илмий жиҳатдан янгилиги, фасллараро боғланиш – алоқадорлигининг мавжудлиги, таҳлилнинг аниқлиги, тилининг равон оммабоплиги кабилар билан ажралиб туради.

Рост, монография айрим қусурлардан ҳам холи эмас. Масалан, «Китобхонлик – маънавият калити» деб номланган фасл тадқиқот ҳажми талабларидан келиб чиқиб бўлса керак, анча қисқа ёзилган. Ҳолбуки, бу фаслда мутолаа билан боғлиқ кузатиш ва маслаҳатларни кенгроқ бериш мумкин эди. Монография илмий-оммабоп характерда бўлса-да, биринчи бобдаги мулоҳазалар мураккаб йўсинда баён этилган. Хуллас, мавзу, муаммо нуқтаи назарида ҳам, таҳлил ва ифода усули, илмий янгилиги нуқтаи назаридан ҳам ўзига хосликка эга. Бу салмоқли иш ўқишга лойиқ, ҳаётда керак бўладиган асарлар сирасига киради, деб ҳисоблай оламиз.

Ғайрат Нек МУРОД, филология фанлари номзоди, доцент

Каттақўрғон туманидаги 20-мактабда миллий каштачилик тўгараги фаолият кўрсатади. У мактаб қизларининг жон-жон деб қатнашаётган тўгаракларидан бирига айланган.

Суратда: Тўгарак раҳбари Зайнаб Бердиева шогирди Шалола Холова билан.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар жараёни мактабдан ташқари муассасаларни ҳам қамраб олиши билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ўқувчи-ёшлар ва ўсмирлар орасида техник ижодиётни ривожлантириш концепцияси»га кўра, ривожланган жамият эътиқодли, дили пок, руҳи комил авлодлар томонидан бунёд этилади.

Айни пайтда мактабдан ташқари муассасаларнинг асосий йўналишларидан бири – техник ижодиёт. Техник ижодиётни ривожлантириш омилларидан бири ўз билим ва малакаларини ижодиётда қўллаш кўникмаларининг шаклланишидан иборат. Бу иш психологик, педагогик ва услубий тайёргарликка эга бўлган тўгарак раҳбарларининг қўлида.

Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказлари директорларининг Тошкент шаҳар Сирғали тумани «Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази»да ўтказилган кенгаши янги йўналишдаги тўгаракларни ташкил этиш, ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.

В.КИРИЛЛОВ олган суратлар.

КИНОЧИЛАР БОЛАЛАРГА ЮЗ БУРДИ

Бундан бир неча ой аввал ўзбек киночилари мустақилликдан сўнг болалар учун, уларнинг ҳаётини, қизиқишларини акс эттирадиган фильмлар яратишдими, деб сўрасангиз ҳамма сукут сақлар, елка қисар эди. Энди бемалол ҳа, дейиш мумкин. Чунки бир ҳафта давомида Киночилар уйида болаларга аталган иккита фильмнинг тақдимот маросими ўтказилди. «Тилсимой–ғаройиб қизалоқ» фильми фантастик жанрда суратга олинган бўлиб, унинг сценарий муаллифлари таниқли болалар шоири Анвар Обиджон ва режиссёр М.Боймуҳамедовдир. Унда ёмонлик устидан яхшиликнинг ғолиб келиши, илк болаларча беғубор муҳаббат тилга олинган. Бу фильм яна бир жиҳатдан эътиборлики, унда янги истеъдодлар ҳам кашф этилди. Бош ролларни ижро этган Фотима ва Зуҳра Исроилова, Отабек Аҳмедов ҳали мактаб ўқувчиларидир. Фильм бадиий жиҳатдан қандай баҳо олади буни вақт кўрсатади. Муҳими, болалар ҳақидаги фильм экран юзини кўрди.

Зулфиқор Мусоқов суратга олган «Кичкина табиб» фильми эса болалар учун яратилган иккинчи фильм бўлиб, бош рол ижрочиси Дилшод Каттабековдир. Биз Дилшодни қўшиқчи сифатида билар эдик, унинг актёрлик маҳорати ҳам ҳаммани лол қолдирди десак, муболаға эмас. Яна бу фильмда таниқли ва ҳамма учун севимли актёр М.Ражабов, эндигина экран юлдузига айланиб бораётган К.Мирҳодиев, Фотима Режаметовалар ҳам суратга тушишган. Фильм моҳияти билан анча пухта, мазмунан бой. Шу ўринда режиссёрнинг актёр танлаш, улар қобилиятини кўра олиш маҳоратини айтиб ўтиш лозим.

Катта экранга чиққан ҳар икки фильм ҳам ўз томошабинларини топишини тилаймиз.

Шарифа МАДРАҲИМОВА, Феруза УСМОНОВА

Xullas...

ИТЛАР УЧУН КИЙИМ

Ит-мушукларни ҳаммамиз ҳам ёқтиравермаймиз. Аммо ўйлаб қарасак, улар ҳам меҳру эътиборга зор. Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз ўз чопонининг барида ухлаб қолган мушукка озор етказгиси келмай, ўша ерини қирқиб, ўринларидан турган эканлар.

Буюк Британияда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган модалар кўргазмаси очилди. Аёллар учун дейсизми, янглишасиз. Эркакларга ҳам эмас.

Антиқа кийим-кечакларнинг бари итлар учун бўлиб, унда тўқилган бош кийим, шуба, чарм куртка, ҳаттоки, жониворларнинг оёғига мос этикчалар ҳам топиларди.

Дизайнер Зейла Форкайст кўргазма ҳақида шундай фикрда: «Бизнинг кичкина дўстларимизга ярашиқли кийим кийдириб қўйинг, одамлар йўлда қолиб кетади».

ҚЎЛИНГИЗНИ ЮВДИНГИЗМИ?

Кўпчиликка маълум бўлмаган не бир идоралар бор. Ўйлаб қарасангиз, инсоният ўз ҳаёти билан боғлиқ майда-чуйда масалаларни ҳам ўрганиб, буни бошқаларга маълум қилишни хуш кўрар экан. Одамзотнинг табиати қизиқда...

Брюссельда қўлларнинг тозалик даражасини текширадиган ташкилот бор. «Оббо» дея ҳайратга тушдингиз. Лекин мутлақо ўрганилмаган соҳа, тан беринг.

Қисқаси, бу ташкилот Европа мамлакатлари аҳолиси ўртасида ўтказилган кўп йиллик тадқиқот натижаларини эълон қилди. Сув қувурлари, ҳожатхона, қурилиш ходимлари, бир сўз билан айтганда, қўлини ювишга кўпроқ эҳтиёж сезадиганлар кўрикдан ўтказилди.

27 фоиз европаликлар раковина ҳақида ўйламасдан кетадилар. Ўзига гард юқтиришни истамайдиганларнинг 78 фоизи аёллар экан. Эркаклар кўрсаткичи эса бор-йўғи 10 фоизни кўрсатди.

Ташкилот шуни уқтиради: «Овқатланишдан аввал, албатта, қўлингни ювинг».

АКСИНЧА БЎЛМАСИН!

«Хотин кўтариш» мусобақаси фин халқи ҳаётига сингиб кетган. Ўтлоқ, қумлоқ, тошлоқ, қўйингки, ҳар қандай тўсиқдан хотинини кўтариб ўтиб, маррага етиб келган эркак пойга ғолиби ҳисобланади.

Бунга-ку чидаш мумкин, аммо аксинча бўлмасин...

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

ҲАЛИ ҲАММАСИДАН ЎТАДИ (МИ?)

Голландияда ўтаётган сайёрамизнинг энг кучли 14 нафар шоҳмот усталари баҳсида 3-турдан кейин 2,5 очко тўплаган Гарри Каспаров ва Вишванатан Ананд пешқадамлик қилмоқда. Ўзимизнинг Рустам Қосимжонов эса 1,5 очко билан 6-ўринни эгаллаб турибди.

МИЛЛИЙ КУРАШИМИЗ ПАРВОЗИ

29 апрель — 3 май кунлари Тошкент шаҳрида миллий кураш бўйича 1-чи жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларидан вакиллар қатнашиш хоҳишини билдирган ушбу нуфузли мусобақада полвонларимиз 3 та вазн (71 кг, 90 кг, мутлоқ вазн) тоифасида гиламга чиқишади.

АСРНИ ҚАРИТГАН ЖАМОАЛАР

Асримиз интиҳосига яқинлашган сари спортда энг, энг, энг... ларни аниқлаш «мода»-га айланиб қолди. Шундай қилиб Англияда юз йилликнинг энг кучли футбол жамоаси «Ливерпул» бўлган бўлса, Италияда бундай шарафга «Милан» сазовор бўлди.

КАШФ ЭТИЛАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛАР

Республика шоҳмот — шашка клубида шоҳмот бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги қизғин давом этаяпти. Мусобақа «ярқ» этиб кўзга ташланаётган талантларни илғаб олаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

БОРИГА БАРАКА

Францияда бўлиб ўтган футбол бўйича ЖЧ-98 ташкилий қўмитаси ниҳоят мусобақадан тушган фойдани тийин-тийинигача санаб бўлишибди. Уларнинг айтишича «ҳамёнларига» роппа-роса 200 миллион франк (35 миллион АҚШ доллари) тушибди.

Ta`limdagi ayollar

«Маданиятнинг қай даражадалиги жамиятда аёлларга бўлган муносабатда билинади» дейишади. Шу маънода, кўп такрорлашади: «Бир аёл қалбида бунча куч-ғайрат, тиниб-тинчимаслик, барчага яхшилик қилиш истаги тўлиб-тошганлиги эътиборга сазовор».

И. Магдиева кўп болали оиланинг бош фарзанди сифатида ёшлигидан онасининг касбига — ўқитувчиликка меҳр қўйди. Тошкент Чет тиллар институтидаги таҳсилдан сўнг у ўрта мактабда, Республика ўқувчилар саройида, Халқ таълими вазирлигида ва мана ўн йилдан зиёд вақт ўтибдики, Тошкент вилояти педагогика билим юртида фаолият кўрсатиб келмоқда. Инера Магдиева фаол жамоатчи ва ўз касбининг устаси сифатида билим юртида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида ишни ташкил этиш, ҳамда ёшларнинг замонавий руҳда чуқур билим олишларини таъминлаш учун ҳамкасблари билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоқда.

Барчага ёрдам беришга ошиқадиган, яхшилик истайдиган бу мураббия фаолияти билан танишар экансиз, яхшилик қилиш унинг шиорига, кундалик одатига айланиб қолганлигига амин бўласиз. Ва таълим тизимида шундай самимий, шогирдларини жондилидан суядиган, билимдон аёллар бисёрлигидан кўнглингизда ажиб бир хушнудлик туясиз.

Нурлан УСМОНОВ

ЯХШИЛИК УНИНГ ШИОРИ

мамлакатимизда бу йил Аёллар йили деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Халқимизда азал-азалдан аёллар мудом ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб келишган. Айни дамларда ҳам аёллар ҳамиша юрагимиз тўрида, ҳамиша муҳтарамдир.

Барча соҳаларда бўлганидек, мамлакатимиз таълим тизимида ҳам ўзларига билдирилаётган юксак эҳтиромга фидойи меҳнатлари билан муносиб жавоб бераётган аёллар бисёр. Шундай аёллардан бири Тошкент вилояти педагогика билим юрти бошланғич таълим услубиёти бўлими мудираси, жонкуяр мураббия Инера Магдиевадир.

Инера опани яхши биганларнинг барчаси бир гапни

Ko'ngil bitiklari

ҚАЕРДА ИЛМ КУЧЛИ, БАХТ МАСКАНИ ЎША ЖОЙ

***

Нурамайди илмнинг иморати, айвони,
Юракка қувват берар, дўстлар, маърифат нони.

Илмнинг лаззатига тенг келувчи лаззат йўқ,
Даврага файз киритар мунозара, хандони.

Бойлик унинг олдида арзимас бир нарсадир,
У яшар, йўқ бўлса-да минг-минг олам султони.

Астойдил ўқиганлар адашмайди йўлидан,
Тўра, чиндан тенгсиздир илм шарафи, шони.

***

Қаерда илм кучли, бахт маскани ўша жой,
Ҳамма чиройдан устун маърифат берган чирой.

Минг-минглаб ўқимаган саводсиз катта бойдан,
Анча устун туради биргина илмга бой.

Илмсиз жойда дилдан ўйин-кулгу бўлмайди,
Илмли жойда халққа тўлар кошона, сарой.

Тўра, маданиятдан йироқ бўлар илмсиз,
Қаерда илм кучли, бахт маскани ўша жой.

***

Илм эрур кишилар юрагининг кўзгуси,
Илмдан куч олади ҳар кимнинг ҳис-туйғуси.

Кимки китоб ўқимай вақтни бекор ўтказса,
Ортиб боради унда ғазаб, жаҳл оғуси.

Саводи йўқ нодонлар ёмон ишдан қайтмайди,
Илмдир ваҳшийликни даволовчи доруси.

Илмсизнинг нияти ушалмайди бир умр,
Амалга ошар, Тўра, илмлининг орзуси.

***

Кишини хор қилади бегумон илмсизлик,
Асло бўлмагай таянч, соябон илмсизлик.

Ўқимаган эътибор топмагай эл ичида,
Одамга бахт бермагай ҳеч қачон илмсизлик.

Маърифатдан узоқда жарлик қолар бир қадам,
Ғафлатда ётганларга беомон илмсизлик.

Саводлининг ҳурмати тобора ошар, Тўра,
Саводсиз тубанлашар, энг ёмон илмсизлик.

Тўра ЖУМАН

ЖОНКУЯР ЎҚИТУВЧИ ЭДИ

E·tibor

... Меҳр-оқибат халқимиз орасида мавжудлигига минг бора шукр айтиб, кўнглимга таскин бера олган мураббийлардан миннатдор бўламан. Болаларимнинг меҳрибон отаси, фидойи ўқитувчи Муҳаммаджон Хўжаев навқирон – 48 ёшларида оламдан ўтдилар. Бошимизга тушган мусибат юкини – дил дарзини бир оз бўлсада енгиллаштиришга қодир меҳр-мурувват соҳиблари борлиги бизга анча руҳий мадад бўлди.

Турмуш ўртоғим Наманган вилояти Учқурғон туман халқ таълими бўлимида кимё-биология фани услубчиси бўлиб ишлардилар. Бетоб бўлиб шифохонада ётганларида ҳамкасблари, биродарлари, ХТБ ходимлари ўзларининг меҳр-муҳаббатларини аямадилар. Хасанбой Отавалиев, Тоҳиржон Хонкелдиев, Холидахон Муҳиддинова, Мавлуда Ортиқоваларга бизга ҳамдард бўлганликлари учун чексиз раҳматлар айтаман.

Ўша кунлари инсонлар ардоқлаб юргучи меҳр-муҳаббат қудратини, унинг жонбахш тафтини қалбан ҳис қилдим.

Муҳаббат ЗОКИРЖОНОВА

А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1999 йилнинг февраль ойига қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган:

1.Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўйича)	1-27 февраль
2. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги тарих бўйича)	1-27 февраль
3. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги химия, биология ва география бўйича)	1-27 февраль
4. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги физика, математика ва информатика)	1-27 февраль
5. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги рус тили ва хорижий тиллар бўйича)	1-27 февраль
6. Туман (шаҳар) ХТБ методкабинет мудирлари	1-13 февраль
7. Туман (шаҳар) ХТБ физика, математика ва информатика фанлари бўйича методистлари курси	15-27 февраль
8. Ташхис маркази раҳбарлари	1-13 февраль
9. ЧЁТ раҳбарлари	15-27 февраль
10. Мактаб амалиётчи психологлари курси	1-13 февраль
11. Ўқувчилар саройи, болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази (БЎИМ) директор ўринбосарлари	15-27 февраль
12. Ёш табиатшунослар ва экологлар маркази (ЁТЭМ) директорлари	1-27февраль
13. Кар ва заиф эшитувчи мактаб-интернат тарбиячилари	1-13 февраль
14. Кар ва заиф эшитувчи мактаб-интернат рус тили ўқитувчилари	15-27февраль
15. Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернат бошланғич синф ўқитувчилари	1-27 февраль
16. Геометрия-8 ўқув қўлланмаси бўйича маърузачилар курси	1-13 февраль
17. Физика дарсларида янги информацион технологиялардан фойдаланиш	8-27 февраль
18. Биологиядан синов дастури ва дарсликлари бўйича маърузачилар курси	1-6 февраль
19. Жисмоний тарбия дарсларини миллийлаштириш (ҚРда)	8-13 февраль

Курсларнинг барчасида машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади. 1-3 февраль кунлари курорт карталари билан келган тингловчилар институт қошидаги санаторий-профилакторийга қабул қилинадилар.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Манзилимиз: Тошкент – 95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ жамоаси, шу институтнинг катта ўқитувчиси Дилдора Аскаровага отаси

Ҳошимжон АСҚАРОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси шу вазирликнинг Педагогик таълим ва фан Бош бошқармаси бош мутахассиси Жамилахон Толиповага онаси

ФАЗИЛАТХОН ая

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ХАНДАЛАР

Чебурашка тимсоҳ Генадан сўради:

— Гена, айтчи, узум деворда ўсадими?

— Йўқ.

— Т-фу, яна суварак ебман—да...

* * *

Бир инженер иккинчисига деди:

— Янги кўприк қургандим. Мустаҳкамлигини қандай қилиб синаб кўришни билмаяпман.

— Шуниям билмайсанми? Кўприкнинг устидан қайноналарни ўтказиш керак. Кўприк уларни кўтарса, яхши қурилган. Агар кўтаролмай синиб кетса, янаям яхши қурилган.

* * *

Бир киши ўртоғига деди:

— Агар уйланиш ниятинг бўлса, албатта, япон қизига уйлан. Биринчидан, японлар жуда нозиктаъб халқ. Иккинчидан қайнонанг Токиода бўлади..

* * *

Габроволик кечаси картошка экаётган эди. Қўшниси сўради:

— Нимага картошкани кечаси экяпсан?

— Кундузи эксам, қўнғиз кўриб қолади-да.

* * *

— Менинг хотиним нуқул хом сабзавотлар соғлиқ учун фойдали дейди.

— Эй, нимасини айтасиз, менинг хотиним ҳам овқат пиширишни ёмон кўради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: **Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ**

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади.

Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Норали ОЧИЛОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-029. Тиражи 53.629. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-19.30.